

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ҚИБРАЙНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ ФАРЗАНДИ Йилнинг энг яхши хунарманди!

Президент соврини
учун ўтказилган "Ташаббус – 2019" кўрик-танловининг мамлакат босқичи
ғолибларини тантанали
тақдирлаш маросими
бўлиб ўтди.

□ «Ташаббус – 2019»

Маросимда сўзга чиққан
Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси Адҳам Икро-
мов ва бошқалар мамлакатимизда
амалга оширилаётган
иқтисодий ислохотлар тад-
биркорларга кенг имконият-
лар яратётганини алоҳида
таъкидлашди. Бу борада
Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси, Фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши, "Хунар-
манд" уюшмаси, Ёшлар ит-
тифоқи томонидан турли ва-
зирлик ва идоралар кўмаги-
да аънавий ўтказилаётган
мазкур кўрик-танлов ҳам му-
ҳим аҳамият касб этаётди.

Дарҳақиқат, тадбиркор ва
ишбилармонлар, хунарманд-
ларнинг ўзига хос маҳорат
майdonи ҳамда ютуқлари на-
мойишига айланган мазкур
танлов соҳа вакиллари
рағбатлантириш баробари-
да, уларни янги-янги мар-
ралар сари ундаши йилдан-
йилга ўз исботини топмоқ-
да.

Хусусан, жорий йилда тан-
ловнинг туман ва шаҳар бос-
қичларида 6 минг 700 дан
зиёд тадбиркорлик субъекти
иштирок этди. Уларнинг 35
фоизи тадбиркор хотин-
қизлар экани ҳам эътиборга



молик. Бу, албатта, мамлака-
тимизда аёллар тадбиркор-
лигини қўллаб-қувватлашга
қаратилган саясий-ҳаракатлар
маҳсулидир.

Танловнинг мамлакат бос-
қичига 69 нафар иштирок-
чи йўланма олди.
Улар орасидан "Саноат
соҳасида йилнинг энг яхши
тадбиркори", "Хизмат кўрса-
тиш соҳасида йилнинг энг
яхши тадбиркори", "Йилнинг
энг яхши ёш тадбиркори",
"Йилнинг энг яхши хунарман-
ди", "Йилнинг энг яхши фер-

мери" йўналишларида ғо-
либлар сараланди.

Биринчи ўрин совриндор-
лари орасида "Йилнинг энг
яхши хунарманди" номина-
циясида Қибрай туманидан
ёғоч ўймаkori Шавкат Юсу-
повнинг борлиги бизни жуда
кувонтирди.

– Албатта, ғолиб бўлган-
нидан фахрланаман, – дей-
ди Шавкат Юсупов. – Шу-
нинг билан бирга янада ях-
широқ меҳнат қилишга,
ўзбек ёғоч ўймакорлиги
санъатининг сирларини ёш-

ларга ўргатишга ҳаракат
қиламан. Бизнинг маҳсулот-
ларимиз қўл меҳнатининг
нобё намуналари сифатида
Ўзбекистондан ташқарида
ҳам жуда қадрланади. Бу
санъатни давом эттириш ва
янги йўналишлар очишга
ҳисса қўшаётганимдан жуда
хурсандман. Энг муҳими, биз
каби хунармандларга йил-
дан-йилга яратилаётган яхши
шароит ва имкониятлар учун
давлатимиз раҳбаридан мин-
натдоримиз.

Барча йўналишлар бўйича

биринчи ўрин совриндорла-
рига Президентимиз совға-
си – "Spark" автомобили,
"Ташаббус-2019" статуетка-
си, олтин медал, махсус
диплом, иккинчи, учинчи
ўрин соҳибларига эса 20 ва
15 миллион сўмдан пул му-
кофотлари топширилди. Шу-
нингдек, махсус номинация-
лар бўйича тақдирланганлар
ҳам қимматбаҳо совғаларга
эга бўлишди.

К. САЛОМОВА
Д. АХМЕДОВ
олган сурат



27 июнь – Матбуот ва
оммавий ахборот
воситалари
ходимлари куни

Ҳар йили журналистларимиз 27 июнь – Матбуот ва
оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини ўзгача
бир кайфиятда қутишади. Касби фахрли, меҳнати ма-
шаққатли ва шу билан бирга қизиқарли бўлган соҳа
вакиллари инсон маънавиятининг меъморларига
қийёслаш мумкин. Кези келганда, заҳматга тўла касб
эгалари меҳнатини эътироф этиб, касб байрамлари
билан самимий муборакбод этишдан ортиқ мукофот
йўқ аслида. Шу боис, вилоятимиздаги соҳа илгорлари
ва фахрийларнинг дил сўзларини ёзиб олдик.

ЎЗИМИЗ ҲАР ЖОЙДАЮ КўНГЛИМИЗ СИЗДА

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
вилоят Ахборот ва
оммавий коммуникациялар
бошқармаси бошлиғи:

– Журналист касби тақо-
зосига кўра одамларни
фикрлашга, Ватани, халқи,
қолаверса, ўз тақдири ҳа-
қида ўйлашга даъват этади.

Кейинги йилларда Пре-
зидентимиз томонидан Мат-
буот ва оммавий ахборот
воситалари ходимларини
қўллаб-қувватлаш ва рағ-
батлантиришга алоҳида
эътибор қаратил-
моқда. Давлатимиз
раҳбарининг ҳар йили
сана муносабати билан
байрам табриги йўлла-
ши соҳага бўлган
эътиборнинг юксак на-
мунасидир, албатта.

Айни чоғда, оммавий ах-
борот воситалари ходимла-
рининг зиммасида мамла-
катимизда амалга ошири-
лаётган демократик янгилан-
ишлар ва модернизация-
лаш жараёнларининг аҳа-
миятини энг таъсирчан
усулларда етказиб бериш-
дек масъулиятли вазифа ту-
рибди. Уни адо этишда
фаол фуқаролик позицияси,
миллий қонунчиликда ахбор-
от олишнинг ҳуқуқий меъ-
ёлари ва ундан фойдала-
ниш амалиёти, касб одоби,
жамоатчиликка тезкор, хо-
лис ва ҳаққоний ахборот ет-
казишга интилаётган фи-
дойилар кўплаб топилади.

Муҳими, халқ билан сами-
ий ва очик мулоқот ўрна-
тиш, одамларни ўйлантира-
ётган масалаларга ўз вақти-
да ечим топишда журна-
листларимиз фаол иштирок
этишмоқда. Уларнинг меҳ-

нати бесамар кетмаётгани-
ни жойларда учраётган му-
аммоларнинг ечимига ба-
ғишланган таҳлилий-танқид-
ий мақолалар туфайли
одамларнинг мушқули осон
бўлаётганида ҳам кўриши-
миз мумкин.

Журналистикамизнинг
янги қиёфа, янгица фаоли-
ят билан ривожланиб бора-
ётганини тилга олар экан-
миз, айни вақтда жамияти-
миз ҳаётидаги барча жаб-
ҳаларда кечаётган ислохот-
ларни сифат ва мазмун жи-
ҳатдан оқори босқичга
кўтарилаётгани кўз ўнгимиз-
дан ўтади. Шу билан бир-
галикда юртдошларимиз-
нинг тинч ва оқойишта,
тўкин ва фаровон ҳаёт да-
ражасини янги мазмун би-
лан бойитиш борасида мат-
буот ходимларининг ўрни
бўлакча, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб,
замон талабларига кўра
зиммасига янги-янги вази-
фаларни олаётган барча
ҳамкасбларимни касб бай-
рамлари билан та-
бриклаймиз. Ижо-
дий зафарлар ва
баркамоллик тил-
лайман.

4

Ёшларни илҳомлантирган маёқ

Хабарингиз
бор, Президент-
имизнинг ёш-
лар маънавия-
тини юксалти-
риш ва улар-
нинг бўш вақтини мазмунли ташкил
этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуси
республикамиз бўйлаб қанот ёймоқда.
Кўни кеча Ўзбекистон халқаро
ташаббуслар ижросига бағишланган
тадбир ўтказилди.

Ёшларни мусиқа, рассомчилик, ада-
биёт, театр ва санъатнинг бошқа турла-
рига қизиқишларини ошириш, исте-
додларини юзага чиқаришга хизмат
қилувчи биринчи ташаббус доирасида
колледжда ташкил этилган рассомлик,
адабиёт тўғрақлари ўз фаолиятини
олиб боради. Тикувчилик тўғрагига қат-
нашувчи қизлар турли миллатларнинг
миллий кийимларини, шунингдек, тари-
хий сиймолар Бибиҳоним, Тўмарислар
кийган либосларни намоиш этдилар.

Колледжда ёшларнинг спорт соҳа-
сидаги қобилиятларини намоён қилиш-
лари учун ҳам зарур шароитлар яратил-
ган. Футбол, қўл тўли, таэквандо, ўзбек
жанг санъати тўғрақлари шулар жум-
ласидан.

Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер
технологиялари ва интернетдан сама-
рали фойдаланишни ташкил этишга
қаратилган учинчи ташаббус бўйича
компьютер хоналари мунтазам фаоли-
ятини давом эттирмоқда. Бу тўғрақлар-
га нафақат коллеж, балки шу ҳудуддаги
"Тошлоқ" маҳалласида яшовчи аҳоли,
4-мактаб ўқувчилари ва туман ёшлари
аззо бўлишган.

Давоми 2-бетда



Ўзбекистон Касаба
уюшмалари федерацияси
ташаббуси билан биринчи
мартта касаба уюшмалари ёшларининг "ТЕМП – 2019"
Тошкент халқаро форуми бўлиб ўтмоқда.

Бўстонлиқда халқаро форум

ЎЗА муҳбирининг ёзишича,
"ТЕМП – 2019" форуми юртимизда
Президентимиз ташаббуси билан
аҳоли, айниқса, ёшларни кучли иж-
тимоий ҳимоя қилиш борасида
олиб борилаётган тизимли ишлар,
эришилган тажриба, ютуқларни
дунё ҳамжамиятига янада кенгрок
етказиш ва тарғиб қилиш мақса-
дида ташкил этилган.

Нуфузли тадбирда 20 га яқин
давлатдан 100 дан зиёд йигит-қиз-
лар, шунингдек, 150 нафарга яқин
Ўзбекистон касаба уюшмалари
фаол ёшлари иштирок этмоқда.

Форум иштирокчилари сўлим
Бўстонлиқ туманидаги "Чарос" меҳ-
монхонасида турли давлатларнинг
қўй-қўшиқлари билан тантанали кў-
тиб олинди.

Иштирокчилар кўни кеча Самар-
қанд шаҳридаги "Ёшлар маркази"-
да тадбиркор ва фермерлар билан
учрашиб, тарихий обидаларни бо-
риб кўришди.

Форум иштирокчиларини мамла-
катимиздаги йирик корхоналар,
миллий хунармандчилик, ишлаб чи-
қариш объектлари, шунингдек,
Тошкент шаҳрининг тарихий обид-
далари, диққатга сазовор жойла-
ри билан таништириш, ёш спорт-
чилар, жаҳон ва олимпия чемпио-
нлари билан учрашувлар кутмоқда.

Форум доирасида "Мамлакат
ижтимоий ривожланишида касаба
уюшмалари ёшларининг ўрни:
Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро
амалиёт" мавзuida халқаро анжу-
ман ташкил этилади.

Унда иштирокчилар мамлакатим-
из касаба уюшмалари тизимида
ёшлар билан ишлаш бўйича яра-
тилган ўзига хос механизм, касаба
уюшмаларининг барча бўғинлари-
да ёшлар масаласи билан шуғул-
ланувчи тузилмалар фаолияти би-
лан яқиндан танишишди.

Иштирокчилар Президентимиз
томонидан илгари сурилган 5 та
муҳим ташаббус мазмун-моҳияти
билан ҳам таништирилади.

Касаба уюшмалари ёшларининг
"ТЕМП – 2019" Тошкент халқаро фо-
руми иштирокчилари мамлакатимиз-
да ёшларга қаратилган эътибор,
уларга яратилаётган шароитлар, бу
жараёнда юртимиз касаба уюшмала-
рининг тутган ўрни ҳақидаги муҳим
маълумотларга эга бўлишди.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК



Қибрай туманининг "Дўрмон" маданият ва аҳоли дам олиш мар-
казида "Адабий дўстлик – абадий дўстлик" шиори остида анжу-
ман бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикасидан этно маданий
марказлар раҳбарлари ва вакиллари, маҳаллий депутатлар, жур-
налист ва ижодкорлар иштирок этишди.

□ Қардошлик

Кўшни мамлакатдан келган мар-
табали меҳмонларни қўлаб сўзга
чиққан вилоят ҳокими ўринбоса-
ри Ақром Қўчқоров икки халқ,
икки мамлакат, икки тил ва икки
адабиётнинг кўп асрлар давоми-
да қардошлик алоқалари билан
равнақ топиб келаётгани, айниқ-
са, сўнгги йилларда бу дўстлик

ришталари янада мустаҳкамлана-
ётганини таъкидлади.

Айтиш жоизки, 2018-2019 йил-
лар Марказий Осиё халқлари
учун унутилмас, тарихий воқеа-
ларга бой бўлди. Қозоғистонда
Марказий Осиё давлатлари раҳ-
барларининг илк маслаҳат учра-
шуви ҳамда Ўзбекистон йилнинг

очиши, мамлакатимизда "Тинч-
лик жараёни, хавфсизлик соҳа-
сида ҳамкорлик ва минтақавий ше-
риклик" мавзуйига бағишланган
халқаро конференциянинг ўткази-
лиши, жорий йилда Ўзбекистон-
да Қозоғистон йилининг очи-
лиши оламшумул ҳодисалардир.

"Қибрай садоси" газетаси учун
мазкур мавзу гоятда долзарб.
Зеро, Қибрай тумани кўшни
Қозоғистон республикаси билан
чегарадош бўлиб, азалдан ту-
манда ўзбеклар қозоқ милли-
га мансуб аҳоли билан кўни-
қўшни, қавм-қариндош, қуда-
анда бўлиб яшаб келмоқда. Ту-
манда Қозоқ ва Тожик миллий
маданият марказлари бўлимлари
самарали фаолият юритмоқда.

Давоми 2-бетда

Маҳсулот

Ўзимизники-ку?

Бозор иқтисодиёти эркин рақобатга суянади. Бунинг учун ишлаб чиқарилган маҳсулот бозорнинг барча талаб ва қоидаларига жавоб бериши лозим. Хўш, эркин "олди-берди" шароитида маҳсулотларимизни экспорт қилиш ишлари жойларда яхши ташкил этилганми? Бу борада маркетинг хизматлари қандай йўлга қўйилган?

Тахлиллар аҳолига савдо хизмати кўрсатаётган тадбиркорларнинг билими, дунёқарашига ҳам кўп нарса боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Афсуски, бугун бозорларимиз сифат жиҳатдан ривожланган давлатлар билан рақобатлаша оладиган маҳсулотларга тўлиб бораётган бир пайтда савдо нуқталаримизда фаолият юритаётган тадбиркорларимиз ҳамон эскича фикрлашни ўзгартирмайпти. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни бошқа давлат номи билан сотиб, гўёки харидорлар ишончига қиришга уринишлари кузатишмоқда.

...Ширинликлар дўконига кириб, шоколад конфет сўрадик. "Зўр российскийлар бор, бир татиб кўринг, жуда мазали", деб конфет узатди сотувчи. Ҳақиқатан мазали, ёрлигига қараб, хайрон бўлдик: "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деб ёзилган. Сотувчи адашди шекилли деб, "Бу ўзимизда ишлаб чиқарилган эканку?" деб ёрлигини қайта ўқиб кўрсатсак, конфетни энди ҳеч ким олмайдигандек сотувчининг хиғибйорон бўлиши бизни хайрон қолдирди.

Нотўғри тарғибот
оқибати

Хўш, нега одамлар ўзимизники эмас, чет эл маҳсулотларини харид қилишга иштиёқманд? Бунинг сабаби дўкон ва бозорларда уларга маҳсулот сотаётган тадбир-

корлар "российский", "турецкий" дея айюҳаннос солаётганида. Сабаби, ҳар кимнинг дунёқарашини, билим доирасини ҳар хил. Бугун саноатимизнинг асосий ўзаги бўлган корхона ва заводларимиз замонавий ускуналар, энг сўнгги русумдаги техникалар билан жиҳозлангани ана шу дунёқарашини тор одамларга тўғри етказилма-

да бозор маркетинги яхши ишламаётгани, тўғрироғи маркетинг иши ўша сотувчиларга "бериб қўйилгани" харидорларнинг ҳафсаласини пир қилмоқда.

Билса ҳазил, билмаса
чин қабилда

Қизимга пальто олиш учун пойтахтимиздаги "Бек барак" бозорига тушдик. Бир

олиш мақсадида "Ўзбекис-тонда ишлаб чиқарилган" маҳсулотни тан олмай, одамлар фикрини чалғитишгаётгани аниқ бўлди-қолди.

Бугун баъзи дўконларда мавжуд маҳсулотларнинг нархи ёзиб қўйилмаганига ҳам гувоҳ бўлаяпмиз. Албатта, бундай ҳол юқоридагидек манзарани юзага келтиради. Маҳсулот ва товарларнинг

ҳолда, сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи тегишли тартиб-да бир марта оғхлантиришдан сўнг зарур чора кўрмас, энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 20 бараварига-ча жаримага тортилади. Шундай экан, нега айрим савдо дўконлари нарх ёрлигисиз фаолият кўрсатаёпти? Бунинг назорати қайси ташкилотдан сўралади?

нега у жойда бу нарх, сизларда нархи баланд дейдиган бўлса, уларни ҳам дўкондан "қуруқ" чиқариб юбормаймиз, мижозни бир кўришда фарқлаймиз", дейди.

Ўзбекистон етти иқлимни туташтирадиган юрт! Бизда етиштирилаётган ноз-неъмат ва маҳсулотлар дунёнинг кўпгина жойларида топилаётди. Лекин, негадир ўзимизда ишлаб чиқарилган миллий маҳсулотларни сотишда бир оз лоқайдлик, беписандлик бор.

Миллий тарғибот
зарур

Демак, маҳсулотларнинг миллий тарғиботи ва товар маркетинглари тўғри изга солилмаган.

Қаранг, телевидение орқали кунига кўплаб хорижий фирмаларда тайёрланаётган маҳсулотларнинг бир-бирига ўхшамас тарғибот-рекламаларини кўрамиз. Улар реклама учун маблағни аяшмайди. Товар ёки хизматлар рекламаси билан бутун бошли компаниялар шуғулланади. Аммо, биз бу борада анча орқадамыз.

Ҳатто, айрим корхона ва ташкилотлар ўз товарларини реклама қилишдан чўчишади. Уларнинг фикрича, маҳсулотларини реклама қила бошласа, солиқ ва бошқа идоралардан "текширувчи"лар кўпаярмиш...

Бугун замон ишлайман деганники. Бундан ташқари, барча назорат органларида ишонч телефонлари ишлаб турибди.

Юртимизда бозор иқтисодиёти шаклланди. Бозор бу рақобат дегани. Унда маркетинг ва тарғибот-рекламага эҳтиёж сув ва ҳаводек, зарур. Агар худлик билан дунё тажрибасини ўрганиб, қўлламасак, ривожланишимиз узоққа чўзилади.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

ЎЗИНИ ТАНИГАННИ ЎЗГА БИЛАДИ

ёки маҳсулот тарғиботи ва маркетинги кимларнинг қўлида?

Айни пайтда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси босилган маҳсулотлар бундан ўн беш-йигирма йил бурунгидек бармоқ билан санарли эмас. Маҳсулотларимиз сон ва сифат даражалари охиб хорижга чиқмоқда. Албатта, бунда давлатимизнинг изчил сиёсати, муҳим соҳаларда ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўрилатгани самара бермоқда. Натижада, мамлакатимизнинг экспорт қуввати тобора ошмоқда.

ёганида. Бунда савдо нуқталари, бозорларда чанг босиб, бир чеккада қолиб кетган сифатсиз маҳсулотларни "ўзимизда ишлаб чиқарилган-да", деб нотўғри тарғиб этувчи сотувчилар биринчи навбатда айбдорлар.

Шунингдек, айрим қўштинроқ ичидаги тадбиркорлар ҳам шахсий фойданинг кетидан қувиб, юртдошларининг истеъмолчилик ҳуқуқини поймол этмоқда. Яъни, хориж бозорига ўтмай қолган товарларни қайсидир йўллар билан мамлакатимизга олиб киришмоқда. Аслида қинғир йўллар билан тикиштиришга уринишга ўша маҳсулот бизда юз чандон сифатли ишлаб чиқарилишини жуда яхши билишади! Бироқ, биз-

дўкондаги пальтонинг нархини сўрадик. Сотувчи 1 миллион 400 минг сўм деди. Нархи тўғри келмай, дўкондан чиқаётганимизда, харидорни "қўлдан чиқаришни" хохламай: "Шунинг арзонроғи ҳам бор", деб қўшни дўконга тортиди. Қўлимизга тутқазилган пальто аввалгисидан сира фарқ қилмасди. "Нега бунинг нархи арзон-у, униси қиммат", деган саволимизга сотувчи: "Қиммати туркияники, буни эса ўзимизда тикилган", деб жавоб берди. Аммо, иккала маҳсулотда умуман фарқ йўқ эди. Ҳатто, ёрликлар ҳам ўхшаш. Биз пальтонга боя айтилган нархнинг ярмига харид қилдик. Сотувчиларнинг "хўйласи" бизга иш бермади. Харидордан кўпроқ пул ишлаб

«Мижозни бир
кўришда
фарқлаймиз...»

нархи ёзиб қўйилса, сотувчи "хўйласи"ни ишга сололмайди.

Шунингдек, бундай ҳолат қонунга хилоф. "Истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг чакана савдо қоидаларини тартибга солувчи тегишли моддаларига кўра, сотувчи товарнинг номи, унинг нави, маркази, модели, тили, оғирлиги, ўлчами ва нархи кўрсатилган ҳолда сотиши керак. Акс

ТАРБИЯ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 22-24 июнь кунлари вилоят Мактабгача таълим бошқармаси томонидан мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган тарбиячилар ўртасида "Йилнинг энг яхши тарбиячиси" касбий кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

□ Танлов

Кўрик-танловда иштирокчилар 3 та йўналиш бўйича беллашишди. Якуний натижаларга кўра, "Йилнинг энг яхши методист тарбиячиси" йўналиши бўйича голибликни Қибрай туманидаги 43-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Наргиза Иш-

кулова, "Йилнинг энг яхши ижодкор тарбиячиси" йўналиши бўйича Қуйи Чирчиқ туманидаги 8-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Гўзал Бабасаидова, "Ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши тарбиячи" йўналиши бўйича Олмалик



шаҳридаги 13-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Мунаввара Ваҳобова қўлга киритди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
ахборот хизмати.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК –
АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Улар билан ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва фаолиятни янада жонлантириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. "Қибрай садоси" газетаси ижодий ходимлари шу мақсадда "Адабий дўстлик – абадий дўстлик" лойиҳасини бир неча йиллардан буён ҳаётга татбиқ этиб келишмоқда. Айни кунларда ушбу лойиҳа иккинчи марта амалга оширилмоқда.

2018 йилда Қозоғистон Республикаси, Туркистон вилояти, Қозигурт туманига вилоятимиздан бир гуруҳ вакилларимиз бориб, ўзаро ҳамкорлик, адабий дўстлик ришталарини мустаҳкамлаб қайтишган эди.

– Биз тарихан шаклланган бир дарахнинг томирларимиз – бир тилда сўзлаймиз, – дейди Қозо-

ғистон Республикаси "Дўстлик" ўзбеклар уюм-маси раиси Икрам Ҳашимжанов. – Кўнглимиз бир, тил-лак ва орзуларимиз ҳамнафасдир. Осмонимиз, тупроғимиз туташ, қон-қардошлик бугунги кунда ҳам ям-яшил япроқлар каби ҳаётимизга янгидан-янги ранглари олиб кирмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Саодат Солиҳова, танқили санъат арбоблари, миллий маданий марказлар вакиллари сўзга чиқишди. Улар таниқли ўзбек шоирлари қаламига мансуб шеърлардан ўқиб беришди.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Шерзод ҚОБУЛОВ
олган суратлар

МАНФААТЛИ
ҲАМКОРЛИК

Нурафшон шахри ҳокимлиги ва Жанубий Корея республикасининг "Чунг Жунг Теч" компанияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди, дея хабар бермоқда вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.

Эндиликда Нурафшон шаҳридаги ичимлик суви ва канализация тармоқлари янги технологиялар асосида қурилади.

Ҳозирда чора-тадбирларни амалга ошириш механизми борасида музокаралар давом этмоқда.

Яхши
хабар

«МАШИНА ОЛДИМУ

Икки ўртада тушунмовчилик чиқади. Шундан сўнг ташкилот раҳбари Комил Муродов ўзига тегишли яна бир лизинг ташкилоти борлигини айтиди ва "Real alfa trans" МЧЖ орқали "Nexia 2" русумдаги автомобил олиб беришни ваъда қилади.

Хуллас, "Ravon lux" - га олдиндан тўланган 23 миллион 514 минг сўм маблағ "Real alfa trans" МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказилиб, 2016 йил 10 октябрь кунини тўғридан тўғридан бекор қилинади. Кейин "Real alfa trans" МЧЖ ва К. Жалолов ўртасида 2017 йилнинг 17 январь кунини янги шартнома имзоланади. Шартнома шартлари эса аввалгидек қолаверади. Орадан уч ой ўтиб, К. Жалолов "Nexia 2" русумдаги автомобилни олади.

Бироқ, 2018 йил 14 февраль кунини кутилмаган воқеа содир бўлади. К. Жалолов бошқарувидаги давлат рақами 01 669 04А бўлган янги



ярим йил бўлибди. Лекин, ҳали-ҳануз К. Жалолов машинасини ололмай сарсон у саргардон. – Машина олдимۇ балога қолдим, – дейди биз билан суҳбатда К. Жалолов. – Бир танишим тадбиркор Комил Муродов раҳбарлигидаги лизинг ташкилотидан икки дон янги машина олганига ҳавас қилиб, чучварани хом санаган эканман. Мана, бир ярим йилдан буён ташвишда юрибман. Айни кунда қалит ва хужжатлар ўзимда, лекин машина банкда турибди. Лизинг ташкилотини эса банкдан ҳали ҳам ўттиз миллион

тўловларни муддатидан илгари тўлаб қўйибди. Хўш, шундай экан нега у муаммолар гирдобига қолиб кетди?

Суриштирувларимиздан маълум бўлишча, Комил Муродов тадбиркорлик фаолияти давомида 2016 йили Зангиота туманида жойлашган М. Қодировага тегишли бўлган бино ҳамда "Ravon lux" МЧЖга қарашли автомобиллардан тўрттасини гаров тариқасида қўйиб, пойтахтимиздаги "Микрокредит банк" АТБдан 580 миллион сўм кредит олган. Шу маблағга иккинчи лизинг ташкилоти бўлган "Real alfa trans" МЧЖ ҳисобига 16 дон автомобил ҳисоб олибди. Бироқ, бизга номаълум сабабларга кўра, лизинг ташкилоти томонидан тўлов интизомни бузилганлиги учун банк судга мурожаат қилган. Суд салкам 472 миллион сўмлик даъво аризани қаноатлантириб, банк фойдасига қарор чиқарган.

ЙПХ ходимида видеокамера бўлиши шарт!

1 июлдан ЙПХ ходимида видеокамера бўлиши шарт! Энди видеоёзувларни юборган шахслар 10 минг 136 сўм миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Эшитмадим, деманглар!



2019 йил 1 июлдан қонунчилигимизда нима-лар ўзгаради?

1. Видеорегистраторлар далил йиғувчи айланади. Авто-транспортдаги видеорегистраторларда қайд этилган ҳуқуқбузарлик эндиликда далил сифатида қабул қилинади ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

1 июлдан ҳар қандай жамоат транспорти ва йўловчи ташвиш фаолияти билан шугулланувчи юридик шахслар учун автотранспорт воситаларига видеорегистраторлар ўрнатиш мажбурийдир.

Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни юборган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг беш фоизи (ҳозирги кунда 10 минг 136 сўм) миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

2. ЙПХ ходимида видеокамера бўлиши шарт. ЙПХ ходими хизмат вақтида мобил видеокамерадан фойдаланиши ва бу ҳақида йўл ҳаракати қатнашчиларига маълум қилиши шарт. Шунингдек, ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилса, буни исботлаш учун ушбу видеоёзувдан фойдаланилиши ҳақида ҳайдовчини огоҳлантириши лозим.

Мобил видеокамераси бўлмаган ЙПХ ходимида ҳайдовчи ҳужжатларни тақдим этмаслик ҳуқуқига эга.

ЎЗА

Шарқнинг бир донишманди: "Ҳаёт – дарё, сузиб ўтаман демангиз", деган экан. Алишер Ғаппоров ҳам эзгуликдан кема ғсаб, ҳаёт денгизидан чалғимаб сузиб

та туманидаги "Бўзсув" совхозида агроном-энтомолог бўлиб бошлаган. Кейин кўп йиллар мамлакат қишлоқ ҳўжалиги тизимида турли масъул вазифаларда ишлади. Хусусан, 1982-1985

лаҳатлари билан кўмак кўрсатиб, уларнинг ривожига баҳоли қудрат ёрдам бериб келмоқда. Шунингдек, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб, Ўзбекистон қозоқ миллий маданият маркази-

меҳнат қилиб, фаровон турмуш кечириши учун барча зарур шароитларни яратишга эришди. Зангиота туманининг қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида, айниқса, экин

спорт иншоотлари ва маданият масканларини қуришга бош-қош бўлди.

Меҳнатлари юқори баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фахрий ёрлиғи", "Шуҳрат" медали, "Меҳнат фахрийси" кўрак нишонлари билан мукофотланган.

Алишер Ғаппоров умр йўлдоши Дилбар Спабек қизи билан ўтов тикиб, оила қурганларига ҳам 44 йил бўлибди. Улар умр бўйи бир-бирига содиқ ва ҳалол ёр бўлиб, ўзаро ишончлари билан ҳамжихатликда яшаб келмоқда. Тўрт ўғил ва икки қизнинг се-викли ота-онаси ва ўн етти су-юкли неваранинг бува-бувиси. Улуғбек, Қизжибек, Серик, Ербўл, Райхон ва Нурбўл олий ўқув даргоҳларини муваффақиятли тугатиб, элга сидқидилдан хизмат қилишмоқда.

Бугун ўзининг чинакам комиллик ва донишмандлик фаслини тантана қилаётган, мудом яхшилик улашиб, замондошлари, оддий инсонлар дарду ташвишига шерик бўлиб яшаган бу инсонга қараб, шоирнинг ушбу сатрлари ёдга келади:

Одамлар, Сиз менинг ҳаётим,
Ҳар бирингиз умрим парчаси...

Дарҳақиқат, Алишер Ғаппоров чин инсоний хислатлари билан эл-юртнинг қорига яради, халқнинг хурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Бугун умр йўлини сарҳисоб қилаётган инсон учун бундан ортқ бахт борми?

Абдулла РУСТАМОВ

Одамлар, Сиз менинг ҳаётим...

Одатда, инсон умр йўлининг улкан довоидан туриб, ортга назар солар экан, эл-юрт манфаати йўлида қилинган эзгу ва хайрли ишлар сарҳисобига эҳтиёж сезади. Шундай инсонлар борки, бундай кезларда ибрат ва ҳикмат чироғи ёритиб турган умр чорраҳаларини кўнгил сурури, виждон хотиржамлиги ва ички бир шукроналик билан эслайди...

Яхшидан бог

бораётган маърифатли, қадрли баланд замондошларимиздан.

У ўзининг одамгарчилиқ, меҳнатсеварлик, ишчанлик ва омилкорлик хусусиятлари билан ҳақиқий инсон ва доно раҳбар сифатида шаклланиб, эл-юртнинг эътиборини қозониб, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топган.

Алишер Ғаппоров 1949 йилнинг 26 июнида Зангиота туманидаги ҳозирги Туркистон қишлоғида туғилган. Тошкент қишлоқ ҳўжалиги техникумини, кейинчалик Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтини (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) олим-агроном мутахассислиги бўйича тугатган. Меҳнат фаолиятини 1969 йили Зангио-

йилларда Зангиота туманидаги "Москва" совхозининг директори, 1985-1991 йилларда Зангиота тумани агроаноат бирлассининг раиси, туман ижроия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, 1991-1995 йилларда "Бўзсув" жамоа ҳўжалигининг раиси, 1995-2000 йилларда "Бўзсув" деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмассининг раиси, 2000-2007 йилларда Юқори Чирчиқ тумани ҳокими бўлди.

Кейинги пайтларда нафақада бўлишига қарамай, ўзи яшаётган қишлоғидаги фермер ҳўжаликлари, туман, вилоят қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига ўзининг деҳқончилик соҳасидаги теран билими, қимматли ва фойдали мас-



нинг фаол аъзоси сифатида халқларимиз орасидаги абадий дўстлик ва изчил ҳамкорликнинг янада ривожланишига, маданий-маърифий алоқаларнинг тобора яхшилланишига ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда.

Алишер Ғаппоров ўзи раҳбарлик қилган "Бўзсув" ва "Туркистон" жамоа ҳўжаликларини республика миқёсидаги илғор ҳўжаликлар қаторига олиб чиққан. У аҳолининг тинч ва осойишта

майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда мева ва сабзавот маҳсулотларининг миқдори ва сифатини ошириш бўйича янгича ёндашувларни ҳаётга татбиқ этди. Унинг бу ерда тўплаган тажрибалари республика миқёсида оммалаштириб борилгани шундан далолатдир.

У Юқори Чирчиқ туманига ҳокимлик қилган кезлар ҳудуд раванки ва келажаги учун бор куч-қуввати, билим ва салоҳиятини аямади. У туманнинг янги ижтимоий инфратузилмасыни яратиб, катта ижобий ўзгаришлар қилишга эришди. Туманда деҳқончиликнинг ўзига хос мактабини яратди, десак бўлади. Айниқса, галла ва пахта етиштириш бўйича юқори суръатларга эришиб, республикадаги туманлар орасида илғорлардан бири бўлди. Туманда у ободонлаштириш, аҳолининг ижтимоий аҳолини яхшилаш, моддий ва маънавий талабларини қондириш ишларига катта аҳамият берди. Шунингдек, мактаблар, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш,

Айни кунларда вилоятимизнинг барча ҳудудларида минглаб китобсевар ёшларни ўзида жамлаётган "Ёш китобхон" кўрик-танловининг саралаш босқичлари бўлиб ўтмоқда.

КИТОБХОНЛАР САРАЛАНМОҚДА

Хусусан, Қибрай туманида ўтказилган танловда, 10-14 ёшлилар бўйича 1 минг 388 нафар, 15-19 ёшлилар тоифасида 1 минг 689 нафар, 20-30 ёшлилар ўртасида эса, 1 минг 388 нафар китоб ихлосмандлари ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Якуний натижаларга кўра, 10-14 ёшлилар ўртасида тумандаги 30-мактаб ўқувчиси Саидили Бахтиёров, 15-19 ёшлилар орасида

Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Шохрух Эржановлар голиб бўлишди.

Шунингдек, танловда ҳарбийлар ҳам фаол иштирок этишди. Жумладан, тумандаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилаётган Улуғбек Сотволдиев 20-30 ёшлилар тоифасида биринчилиқни қўлга киритди. Танловнинг ҳудудий босқичлари давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз

Эълонлар

Вилоят "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси Ахборот-коммуникация технологияси йўналишига 2 нафар ва топография ишлари мутахассислигига 20 нафар (компьютерни билиши шарт) ҳамда 2 нафар боғбонни ишга тақлиф этади.

Ойлик маош ишбай усулида тўланади.

Ойлик маошлар қуйидагича:

АКТ мутахассис-ларига:	4 500 000–5 000 000 сўм ва ундан юқори;
Топография мутахассисларига:	8 500 000 сўм ва ундан юқори;
Боғбонга:	1 000 000 сўм.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Бекобод филиали ҳудудда "Ошхона қурилиши" ва филиал ташкилотининг том ва фасад қисмини жорий таъмирлаш, шунингдек, филиал ҳудудда ободонлаштириш ва ёритиш чироқларини ўрнатиш ишларини бажариш учун лойиҳалаштириш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тақлифлар ОАВда эълон босилган кундан бошлаб 7 (етти) кун давомида ёпиқ конвертларда Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббасов кўчаси, 264-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тел.: +99890 332-90-14, +99894 711-16-67.

Қарздорликни ундириш мақсадида Мажбурий ижро бюросининг Учтепа тумани бўлими томонидан ижро ҳаракатлари асосий гаров бўлган Зангиота туманида жойлашган М. Қодировга тегишли бинога қаратилади. Шунингдек, "Ravon lux" МЧЖ ва "Real alfa trans" МЧЖга қарашли автомобилларга қидирув эълон қилинади. Бир қарашда гирт гиромлик бўлаётганга ўхшайди.

дай муаммо бўлмаслигига ишонганининг яна бошқа сабаблари бор. Биринчидан, машинанинг техник паспортига нотариуснинг тақиқ муҳри босилмаганди. Буни қўриб, олган машина гаровга қўйилмаган, деб чалғиб қолдим. Агар шу ҳақда ўз вақтида билганимда машинани олман бўлардим.

К. Жалолов тушган ҳолат атрофича ўрганилганда, бир муҳим ҳиҳат аён бўлади. Агар у ўз вақтида шарт-

ки, шикоят аризада келтирилаётган ваҳлар аниқ ва лўнда, асосли бўлса, албатта, ижобий натижа беради. Воқеалар тафсилотидан келиб чиқади: билмас, фуқаро "Микрокредит банк" АТБ ёки Мажбурий ижро бюросининг Учтепа тумани бўлимидан норози бўлиб шикоят қилиши фойдасиз. Боиси, банк "Real alfa trans" МЧЖ билан тузган шартномасига асосан судга иккита даъво аризасини киритган. Иккинчи даъвода эса

Шу ўринда яна бир ҳақли савол: К. Жалолов машинани олгандан кейин "Real alfa trans" МЧЖ томонидан "Микрокредит банк" АТБдан олинган кредитга иккиламчи гаров тариқасида қўйилиши мумкинми? Агар шундай бўлса, К. Жалолов нега бундан беҳабар қолган?

Бу ўринда К. Жалолов миниб юрган автомашинанинг эгаллик ҳуқуқи "Real alfa trans" МЧЖда бўлганини инobatга олсак, лизинг ташкилотига ҳеч қандай чеклов бўлмаганлиги ойдинлашади. Бундай вазиятда К. Жалолов бу ҳолатдан беҳабар қолиши табиий.

Мақола ёзилаётган вақтда К. Жалолов билан телефон орқали суҳбатлашдик. К. Муродовдан машинани қачон олиши ҳақида сўрабди. Унинг айтишича, лизинг ташкилотининг "Микрокредит банк" АТБдан 30 миллион сўмдан зиёроқ қарзи қолганмиш. Шу маблағ тўловчиси билан у машинасини олиши мумкинлигига ишонтирибди.

Мана, К. Жалоловнинг машина оламан деб, бошидан кечирганларидан хабардор бўлдингиз. Шу ўринда бир ўйлаб кўринг, 54 миллион сўмни йўқотилган икки ярим йил мобайнида тадбиркорликка йўналтириб, қанча даромад олиш мумкин эди? Шу маънода К. Жалоловнинг кўнглидан ўтаётганларни тушуниб турибмиз. Лизинг ташкилотига ишонгани ортдан шунча гавғоларга қолиб кетишини билганида эди...

Дарвоқе, лизинг ташкилотидан машина олмакчи бўлсангиз, тузилаётган шартномани нотариал тартибда расмийлаштиришни унутманг. Борди-ю лизинг ташкилотини раҳбари: "Кўйинг, шу қозғозбозликни, тўловларни ўз вақтида тўлаб юрсангиз, ҳеч қандай муаммо бўлмайди", деса яна ишониб юрманг-а...

Абдусалим МАХМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

БАЛОГА ҚОЛДИМ!»

Фуқаро лизинг ташкилоти билан шартнома тузиб, тўловларни ўз вақтида тўласа-ю, ҳе йўқ, бе йўқ машинадан ажралиб ўтирса?! Бу ҳам етмагандек, ҳуқуқларини тиклаш учун турли идораларга ариза ёзса-ю, натижа бўлмаса?! Шу адолатданми, дерсиз? Келинг, хулоса қилишга шошилмайлик. Айниқса, адолат масаласида.

Сўхбатимиз давомида Комолиддин Жалоловга ҳақли бир саволни бердик.

– Лизинг ташкилоти билан тузилган шартномани нега нотариал тартибда расмийлаштирмагансиз?

– Тўғриси, бу ҳақда Комил Муродовга талабимни айтганман. Шартномани нотариал тартибда расмийлаштириб, машинага қачон тақиқ қўямиз, деганимга паркентлик Илҳом Ортиқматов гувоҳ бўлган. Афсуски, Комил Муродов шу ҳақдаги сўхбатимизни тан олмаяпти. Лекин, у ўша вақтда талабимга эътироз билдириб: "Ака, ортиқча қозғозбозликни нима кераги бор, биз тўловларни ўз вақтида тўлаб бординг, ҳеч қандай муаммо бўлмайди", деб кўнглимни хотиржам қилганди. Ҳақиқатан ҳам ҳеч қан-



номани нотариал тартибда расмийлаштирганида вазият бошқача тус оларди. Яъни, суд қарорига кўра, "Микрокредит банк" АТБнинг даъвоси қаноатлантирилгандан кейин К. Жалолов миниб юрган машина Мажбурий ижро бюросининг Учтепа тумани бўлими томонидан ижро иши юритувига жалб қилинмасди. Чунки, шартнома нотариал тартибда расмийлаштирилгандан кейин машина лизинг ташкилоти ва фуқаро ўртасидаги шартноманинг гарови ҳисобланарди. Шунга кўра, бу ҳолатда ҳамма муаммога сабаб шартнома нотариал тартибда расмийлаштирилмай қолиб кетганига бориб тақалмоқда.

Энди фуқаронинг турли ташкилотларга қилган муножаатлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсак. Маълум-

лизинг ташкилоти томонидан кечиктирилган тўловдан келиб чиқадиган 60 миллион сўм пеня талаб қилинган ва суд буни қаноатлантирган. Мажбурий ижро бюросининг Учтепа тумани бўлими эса ижро юритувини суд қарорларига асосан амалга ошириб, 472 миллион сўм қарздорликни ундирган, бироқ иккинчи даъво аризадаги 60 миллион сўм пенянинг деярли ярмидан кўпи тўланмаган. Шу тўлов "Real alfa trans" МЧЖ томонидан тўлиқ қоплансагина К. Жалолов автомобилни олиши мумкин.

Демак, муаммога ечимни лизинг ташкилоти раҳбарининг хатти-ҳаракати тўғри бўлганини ёки йўқ, мана шу томондан излаш ўринли бўлади.

Тўғри, биз "Real alfa trans" МЧЖ раҳбари К. Муродовнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳони бериш вақолатига эга эмасмиз. Буни тегишли идоралар ҳал қилади. Борди-ю, ҳақиқатан ҳам лизинг ташкилотини раҳбари фуқаро К. Жалолов айтганидек эътироз билдириб, шартномани нотариал тартибда расмийлаштиришга ҳожат йўқлигига ишонтирилган бўлса, бу ҳолатни объектив далиллар билан исботлаб бериши керак бўлади.

ИБРАТ ВА ФИДОЙИЛИК НАМУНАСИ



Ҳар бир инсоннинг умр йўли, ҳаётининг мазмуни, эл орасидаги қадри, энг аввало, эл-юрт ва жамият равнақи учун қилган хайрли ишлари, азгу амаллари билан ўлланади.

□ Эътибор

"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси вазифасида ишлаб келаётган Сайфулла Асатов вилоят ИИББ маслаҳатчиси лавозимида иш бошлади.

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигида Сайфулла Асатовни янги ишга кузатишга бағишланган тадбир ўтказилди. Маросимда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов, "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви раиси Шухрат Жалилов, шунингдек, сектор раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар иштирок этди.

Тадбирда сўз олган вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парпи-

боева, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар С. Асатов ўз меҳнат фаолияти давомида турли масъулиятли лавозимларда самарали ишлаб, кўпчилик учун ибрат ва фидойилик намунаси бўла олди, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар рўёбига муносиб ҳисса қўшиб, ташаббус кўрсатиб, жонқуярлик билан бажарган ибратли ишларини бугун жойларда одамлар миннатдорлик билан эслашади, дея таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз
Шероз ҚОБУЛОВ
олган сурат

Сўз – қурол, мақсад эса – кўнгли. Кўнгли ўртанмаса, эҳтиросларга тўлишмаса, сўзда таъсир бўлмайди. Айниқса, бир ғарибнинг кўнглини шод қиладиган сўз айтиш олтин хазинаси топишдан афзалроқдир. Чунки, бу асл инсонийлик гавҳарини улашишдир.

Тоҳир МАЛИК

Бир жуфт ханда

«ДАДА»

Банкомат ёнига бир аёл ўғли билан келди.

– Ҳозир пул олиб, иккаламиз дўконга борамиз, – деди она ва банкоматга пластик карточкасини қўйиб, у ердан пул олди. Буни кўрган бола ҳайратланиб, онасига:

– Ойи буни ичиди дадам ўтирибдиларми? – дермиш.

"ШАПКАСИ
БОР..."

Соддагина бир дўстимиз бор. У ким нима деса ишонаверади. Шўролар салтанати даврида янги костюм-шим олиш учун дўконга кирибди.

– Друстроқ костюм-шим топиладими, – деб сўрабди сотувчидан.

– Топилади, аммо шапкаси бор-да, – дебди сотувчи.

– Ҳа, майли олавераман.

Сотувчи яшириб қўйган жойидан унга мос келадиган костюм-шимни олиб чиқиб бериб, пулини ортиги билан санаб олган, бошқа харидорларга хизмат кўрсата бошлади. Дўстимиз эса, кассанинг олдида индамай боягидек тураверганмиш.

– Ака, яна бирор нима сотиб олмакчимисиз, – деб сўрабди сотувчи бир оздан сўнг.

– Йўқ. Боя шапкаси бор дегандингиз-ку, шуни кутиб турибман.

– А-а! – дея сотувчи аввалоги унинг юзига тикилиб турибдида, сўнг қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди.

Иноғом ХОЛТУРСУНОВ

ОБ-ҲАВО
МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 26 июнь кун

Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-22, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун



Юсуф ЭРГАШЕВ, "Бекобод овози" газетаси бош муҳаррири:

– Туманимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида газетамизнинг ўз ўрни бор. Имкон қадар ўқитувчиларимиз кутган мавзуларда тахлилий мақолалар беришга ҳаракат қиламиз. Жамоамизнинг ҳар бир ходими ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тезкор ёритиш, ҳолис ахборот бериш заруратини яхши ҳис қилишадди.

Аслида туман газетасига ўқувчи эътиборини тортиш ниҳоятда қийин. Давлатимиз раҳбарининг қарорлари, та-

шаббуслари туманда қандай ижро этилаётгани, бу борада ўқитган айрим муаммоларнинг туб илдизларини аниқлаш бир машаққат бўлса, қаловини топиб, газетда ёритиш ўн чандон қийин. Бу жараёнларда журналист у ёки бу ташкилотнинг қўшқовига чидаши, ҳатто тазйиққа учраши мумкин.

Аслида ҳақиқий журналист учун газетанинг катта ёки кичиги бўлмайди. Бугун ўқувчи эътиборини тортадиган мақола ёзиш осон эмас. Сабаби, интернет журналистикаси жадал ривожланаётгани сифатли материалларга бўл-

ган талабни ҳар қачонгидан ҳам орттириб юборди. Содда қилиб айтганда, энди ўқувчига ҳеч нима бера олмай диган мақолалар билан узоққа бориб бўлмайди.

Кези келганда, мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда фидокорона меҳнат қилаётган журналистларимизни касб байрамлари билан чин қалбидан қутлайман.

ЎЗИМИЗ ҲАР ЖОЙДАЮ
Кўнглимиз сизда

Фаолиятим давомида матбуот мум тишлаган оғир даврларни ҳам кўрдим. Баландпарвоз гаплар, ўзинг

дай вазиятда шошмашошарлик қилиб, рейтинг ортидан қувиш журналистнинг йўқан обрўсини бир зумда йўққа чи-

Ижодкор қалби электростанциянинг генераторига ўхшайди. Генератор паррақлари оқиб келаётган тинч ва пок, лойқа ва нопок сувларни ўзидан ўтказиб, нурга айлантиради-да, инсонларга тақдим этади. Ижодкор қалби юзлаб, балки минглаб одамларнинг бахтли ва бахтсиз қисматини ўзидан ўтказида-да, нурли туйғуга айлантириб, ўқувчига тақдим этади. Қалам оқлининг пешонасидаги "ёзуғи" шу экан. Бу жуда оғир меҳнат!

Ижод ўта мураккаб, ўта масъулиятли, олис ва машаққатли йўл...

Ўткир ҲОШИМОВ

Дехқон фарзандиман. Отам умр бўйи далада меҳнат қилганлар. Шу билан бирга, бизни яхши тарбиялаб, ҳалол ва софдил бўлишга, меҳнатдан қочмасликка ўргатганлар. Ҳамон ёдимда, оиламизда китоб ўқишга, газета ва журналларни мутулаа қилишга ҳам катта эътибор бериларди. Қаранг-да, ўша даврда почтабонлар кундалик газета ва журналларни ўз вақтида олиб келишарди. Ота-онамдан сўнг биз ҳам газеталарни ўқишга одатланган эдик.

ЭНГ ЯХШИ ҲАМРОҲ

Бир гал "Чиноз ҳаёти" газетасида отамнинг ҳамкасби, моҳир сувчи Тўхтасин ака билан тушган суратлари чоп этилганини кўриб, бениҳоя қувонганимиз кечагидек ёдимда. Акам ўша газетани альбомда ҳамон сақлаб келади. Оила аъзоларим, қариндош-уруғлар, набираларим йиғилишганида альбом варақлаб, ўтмишни эслаймиз. Ана шундай пайтларда: "Бобомнинг суратлари газетда чиққан экан", дея ҳурсандчилик билан хотирлашса, шунинг ўзи бахт-да!

Бундан 44 йил аввал отам ғўза қатор ораларига сув таратаётганда олинган мана шу сурат ҳам тарихни эслатади. Вақтида отамдан ўрганганларим ўз самарасини бермоқда. Бир неча йиллардан буён фермер хўжалиги раҳбариман. Отамнинг руҳлари шод бўлиши учун фермер хўжалигимизни "Қуюнбой ота" деб номлаганмиз. Деярли ҳар йили пахтачилик ва ғаллачиликдан мўл ҳосил олиб, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаяпмиз. Бу йил ҳам 45 гектар майдондаги ғалладан мўл ҳосил етиштириб, юзимиз ёруғ бўлди.

Фермерларга яратилаётган қулайлик ва имтиёзлар ҳақида ҳам газета, радио ва телевидение орқали танишамиз. Шу сабабли, матбуот ходимларига ҳурматим баланд.

Касб байрамларини нишонлаётган барча журналист ва соҳа ходимларини табриклаб, ишларида омад тилайман.

Эгамберди ОЗОДОВ,
Чиноз туманидаги "Қуюнбой ота" фермер
хўжалиги раҳбари

Дилфуза МИРОБИДОВА, "Паркент тонги" газетаси бош муҳаррири ўринбосари:

– Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг изчил амалга оширилишида, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги ва тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг давомий-

Азизим, газета, интернет деган истиқбол олдида бир муддат довлараб қолган кадрдоним, мен қатъий ишонаман, сенга ҳам гал келади. Сенинг

ни чоп этиб тинмадинг. Сенинг оппоқ юзингни бежаб турган қора сўзларим учун кечир мени, азизим. Мен ва мен қабилар ўз касбининг устаси,

АЗИЗИМ, ГАЗЕТА...

гуриллаган, шуқуҳли йилларинг ва йўлларинг ҳали олдинда.

Сенинг қанотингда, сен билан бирга не-не талатўпларни бошдан ўткармадим... Гоҳида бир ҳақ гапни айтганим учун душман санаб, ортимдан иғволар ёдирган ўқувчиларинг ёқмадан олди. "Газета-пазетанг мен учун бир пул", деб қариллаган шоввозлар қикди қаршимдан. "Мақтанг ака, ёзинг ака", деган жирканчларни кўрдик. Ва ана шунда...

Арзон пивоналарда, гўмадан бошқа ҳеч нима сотилмайдиган емакхоналарда дилашиб, сирлашиб... ййглашиб, бир-биримизни суяб, истиқболга юзландик. Мен қаламни қўймадим, сен меннинг хом-хатала битикларим-

Газета, кадрдоним, сенга тош отмаган, сенга баъд нигоҳларини қадамаган яна ким қолди? Бахт ҳақида жўшсанг – маддоҳсан, ўрилар ҳақида ёзсанг – ҳақдингдан ошган бўласан, индамасанг – лоқайдсан, илмилик мақола билан чиксанг – журъатсизсан...

□ Изҳор

сўзнинг яловбардори бўлганда, бугун матбуот бу қадар оғирлиги мавзуга айланмаган бўларди. Одамларнинг газетга ишончи барқарор бўларди....

Қадрдон дўстим, ёвуз ва шафқатсиз вақт шамолида топган-таниган вафодор дўстим. Сен виқор ва салобат



курашаясан. Чунки, сен ҳеч қачон енгилмайсан...

Жон дўстим, биродарим газета... Сени соғинаман, сенинг гуриллаган бағрингда қайнаган, гўр ёшлигини тоблаган, сўзгарликдан сабоқ берган устозларим даврасида жўшган йилларини кўмсайман. Сен инсониятнинг

лигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. Мана шундай масъулиятли жараёнларда журналистлардан ҳолис ва тезкорлик ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этилади.

Ўтган 20 йиллик фаолиятим "Паркент тонги" газетаси билан чамбарчас боғлиқ. Соҳадаги туб ислохотлар туманимиз ҳаётига ҳам кириб келган. Ҳар гал газетамизни саҳифалаш жараёнида туманимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир воқеа-ҳодисаларнинг қанчалик тезкор ва ҳолис ёритилаётганига эътибор берамиз.

Эл-юрт олдида обрў-эътибор топиш, касбга садоқат масалалари айнан тезкор

ва ҳолисликка бориб тақалар экан, буни газетамизда қалами шаклланаётган ёшларимизга ўқитишга ҳаракат қиламиз. Бугун оммавий ахборот воситалари ходимлари халқимиз ҳаётига, унинг қувонч ва ташвишларига тобора яқин бўлиб бораётган паллада бу икки жиҳатни бир меъёрга сақлаб қолиш бизнинг бурчимиз.

Истардимки, журналистларимизни масъулиятли вазифаларини адо этишда тезкорлик ва ҳолислик ҳеч қачон тарк этмасин. Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар.

Тошкент ҳақиқати" мухбири
Абдусалим МАҲМУДОВ
ёзиб олди.

энг буюк кашфиётисан!

Оғам, оғажоним газета... Сени ночор ва журъатсиз ҳолатда кўришни истамайман. Сен доим сўз деб аталмиш буюк қудратнинг жарчиси бўлиб келгансан. Сенда отамнинг, онамнинг нафаси бор. Сарғайган саҳифаларингда ўтмишнинг буюк нидоси чўғдек бозиллаб турибди.

Мағрурим, улуғим газета... Сен азим келажак қаршида турибсан. Сен ёрқин ёғду сочадиган, давраларга рост сўзинг билан ҳар кун кириб борадиган дамлиринг яқин. Қалб ахборотдан, ўлик ахборотдан безий бошлади. Сенинг қучоғингда порлаган таҳлиллар, сатрлар узра туйғулар рақсга тушадиган эсселар, очерклар, таҳлиллار – бугун бизга етишмаётгани мана шу. Бу замонни, унинг кори баъдини, яхши ёмонини шарҳлайдиган, айтган сўздан қайтмайдиган, ҳар бир сўз, жумла, ҳарфининг қалбга таъсирини ўйлаб ёзадиган журналистика жуда-жуда керак бўлаяпти ҳозир.

Уйғон, уйғонақол, азизим...
Садоқатли дўстинг
Бехўд ҚОБУЛОВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат

ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги
офисимиз:

100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Электрон почталар: thaqiqat@uam.uz / th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бозорқисмида

2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририят компьютер марказида
терили ва Тоҳир Маҳмудов
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусахҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Зухриддин РАҲМОНОВ

Буюртма V-3535. Баҳоси келишилган нарҳда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 7 081 нусхада чоп этилди.

ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.50.